Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1996 йил 14 декабрь, шанба • № 99 (10.874) • Эркин нархда сотилади

1997 йил — Инсон манфаатлари йили

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

Президентимизнинг «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги фармони кенг жамоатчилик томонидан катта мамнунлик билан кутиб олинди. Махсус мухбиримизнинг ғамхўрлик руҳидаги мазкур ҳужжат юзасидан қатор газетхонлар билан қилган суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Юртдошлар хурсанд

Сафармат МАМАТОВ,
Ўртачирчиқ туманидаги «Ангор» фуқаролар йиғини раиси:

— Ҳар бир оилани маҳалладан ёки фуқаролар йиғинидан кўра кўпроқ биладиган жамоа йўқ. Шу маънода юртбошимиз мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ўзини-ўзи бошқариш органларига катта ишонч билдирганлиги мени мамнун этди. Хусусан, бу муносабатни бизнинг фуқаролар йиғинимиз «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида»ги фармон ижросида яққол ҳис этди. Қишлоқ ҳудудидаги маҳаллаларда ночор оилаларни тўғри аниқлаб, уларни ўз вақтида белгиланган миқдордаги моддий маблағ билан таъминлаб келяпмиз. Фармон кучга киргандан буён «Палончига ёрдам пули нотўғри берилмоқда, бизнинг оилага эса берилмади» деган гапларнинг бўлмаганлиги фикримизнинг яна бир исботидир.

Янги фармон, аввало, нафақаларни муҳтож оилаларга беришни алоҳида тартибга солиши билан эътиборга лойиқдир. У ижтимоий ёрдамнинг адолатли қўйилишини таъминлайди. Бундай аниқликни эса фақат маҳалла, фуқаролар йиғини белгилай олади. Иккинчидан, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида болалар сонига қараб нафақа миқдори энг оз иш ҳақининг даражаланган фоизларида тўланиши ҳам ижтимоий ҳимояни кучайтириши билан катта аҳамият касб этади.

Мазкур фармоннинг Президентимизнинг Конституциямиз тўрт йиллигига бағишланган тантанада эълон қилган «1997 йил — Инсон манфаатлари йили бўлсин», деган даъватига муносиб жавоб деб ҳам билиш керак.

Фармонга мувофиқ, фуқаролар йиғинининг ҳуқуқи кенгайди, масъулияти эса ошди. Хусусан, ўзини-ўзи бошқариш органларида юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган махсус жамғармалар ташкил қилиниши, уларнинг маблағларини болали муҳтож оилаларга нафақа тўлаш учун сарфлашга йўл очиш, айни пайтда шу мақсадда Республика халқ банкида ўзини-ўзи бошқариш органлари учун «Болалар нафақалари» махсус ҳисоб варақалари очилиши болали оилаларга ёрдам даражасини янги поғонага кўтаради, деб ўйлайман.

Меҳрибонлик учун раҳмат!

Санобар ИСОҚОВА,
Тошкент туманидаги тиббий пункт болалар шифокори:

— Кейинги йиллар ичида юртимизда, муболағасиз, оилага, айниқса, оналик ва болалик муҳофазасига бўлган эътибор тобора ортиб бормоқда. Бу, албатта, «Соғлом авлод учун» бошланган эзгу ҳаракат натижасидир.

Ҳомиладор аёлларнинг мунтазам назоратдан ўтказилиши, туғруқхоналарда чақалоқларга бўлган меҳрибонлик, бўшанган она гўдаги билан уйига қайтгач, ҳамшираларнинг тез кунларда ундан хабар олиши — буларнинг ҳаммаси она ва болага кўрсатилаётган чинакам ғамхўрликдир.

Куни кечаги фармонни 16 ёшгача фарзандлари бўлган оилаларга Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган меҳрибонликнинг яна бир тимсоли деб биламан. Бу ҳужжат оналар учун яна катта қулайликлар яратди. Хусусан, бизнинг оиламизда 14, 12, 6 ёшли уч фарзандимиз бор. Уларга нафақа олиш учун салкам 10 километр йўл босиб «Кўктерак» қишлоғига боришим керак бўларди. Яширишни ҳожати йўқ, гоҳо кассир бетоблиги, гоҳо пул бўлмай қолиши сабабли сарсонгарчиликдан ҳоли эмасдик. Энди оналар бундай мушкулликлардан қутилишди.

Жуда қулай бўлди

Ўғилой СОБИРЖОНОВА,
Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласида истиқомат қилувчи она:

— Хушхабарнинг қаноти бор, деб бежиз айтишмаган. «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги фармонни ўқиб жуда қувондим. Оиламизда бундай нафақани икки фарзанди учун келиним олади. Мен поликлиникада оддий хизматчиман. Умр йўлдошим заводда ишлайдилар. Икки ўғлим ишчи, хизматчи.

Гоҳо ҳаммамизнинг бандлигимиз туфайли нафақа оладиган куни болаларни кимга қолдириш муаммо бўларди. Янги фармон кўпчиликнинг йўлини қисқартириб, ортиқча оворагарчиликдан ҳоли қилди. Президентимиздан ғоят миннатдормиз.

Суҳбатдош
Саидвали ҲАСАНОВ.



Кексаликнинг ўз гашти бор,
Кўнгилларда бўлмас ғубор,
Бири саксон, бири етмиш,
Қутлуғ ёшлар насиб этмиш.

Бу табаррук отахонлар — Абдуманнобхожи Абдураҳмон ўғли (чапда) ва Баҳромхожи Йўлдош ўғли Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида истиқомат қилишади.
Даврон АҲМАД олган сурат.

ВИЛОЯТ БЎЛИМИ ИШ БОШЛАДИ

12 декабрь куни Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

РЕСПУБЛИКА Президентининг «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси тўғрисида»ги Фармони уруш ва меҳнат фахрийлари, барча кексаларимиз фаолиятини такомиллаштиришда, уларнинг фаоллигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Яқинда республика «Нуроний» жамғармасининг таъсис қурултойи ўтказилди. Янги жамғарма иш бошлади. Айни кунларда вилоятларда унинг бўлимлари ташкил этилмоқда.

12 декабрь куни эса жамғарма Тошкент вилояти бўлимининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан сайланган делегатлар, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимларининг биринчи муовинлари, жамғармага ҳомийлик қилиш истагини билдирган қатор йирик корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлимини тузиш тўғрисидаги маъруза тингланди.

Йиғилишда жамғарманинг асосий мақсади, йўналишлари, фаолияти тўғрисида батафсил тўхталинди. Йиғилиш қатнашчилари республикамизда бошланган бу хайрли ишни тўла қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Маълумки, жамғарма ўз-ўзини бошқарувчи, нодавлат жамоат ташкилотидир.

Конференцияда республика «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг бошқарув кенгаши сайланди.

Нуъмон Насимов — Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Тошкент вилояти бўлими бошқарувининг раиси этиб сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бошқарувининг раиси Бектош Раҳимов сўзга чиқди.

Конференцияда Тошкент вилояти ҳокимининг муовини Дилбар Жаҳонгирова иштирок этди.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

воқеалар, хабарлар, янгиликлар

АЁЛ ҚАДРИ

ҚИБРАЙ тумани Дўрмон қишлоқ маданият саройида хотин-қизлар ташкилотларининг ўтган даврдаги ишлари кўриги бўлди.

«Конституцияда мухрланган бахт» деб номланган кўрик-танловда қатнашган туманнинг 12 та қишлоғи хотин-қизлар кенгашлари тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш, қизларни турмушга тайёрлаш, оила ажримлари ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳам талайгина ибратли ишларни амалга оширмоқдалар. Хотин-қизлар кенгашлари маҳаллаларда катта ташкилотчилик, таълим-тарбиявий ишларни олиб боришаётгани маълум бўлди.

Ушбу кўрик-танловда сўзга чиққан Қибрай тумани ҳокими Мирзамашраб Кўччиев туман ижтимоий-сиёсий ҳаётида хотин-қизларнинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлади. Тошкент вилояти ҳокими муовини, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Хўжаева ишлаб чиқариш ва жамоа ишларида фаоллик кўрсатган бир гуруҳ аёлларга фахрий ёрлиқлар топширди.

Тадбиркорлик фаолияти, сахна безатилиши, миллий урф-одатлар намойиши, муаммоли вазиятларни холис баҳолаган ҳайъат аъзолари Байтқўрғон қишлоғи хотин-қизлар кенгашини ғолиб деб топди ва биринчи ўрин ҳамда пул мукофоти топширилди. Иккита иккинчи ўрин Оққовоқ ва Янгиобод қишлоқларига, учта учинчи ўрин эса Қизилту, Тузел қишлоқлари ва Салор шаҳарчаси ташкилотларига берилди.

Замира ТЎЛАГАНОВА.

КОЛЛЕЖДАГИ УНУТИЛМАС КУН

Тошкент вилоят агробизнес коллежининг ташкил топганига ўттиз йил тўлиши муносабати билан тантана бўлиб ўтди. Унда коллеж директори, доцент Абдувосит Назиров билим даргоҳининг босиб ўтган йўли ҳақида маъруза қилди.

1966 йили Шредер номли илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг базасида, машҳур боғбон Маҳмуд Мирзаев ташаббуси билан ташкил қилинган бу техникум шу йил бошидан агробизнес коллежи номи билан атала бошланди. Шу пайтгача 3,5 мингдан зиёд талаба ўрмон хўжалиги, агрономия, механизация ҳамда мевачилик бўлимларида таҳсил олиб, ҳозирда қишлоқ хўжалигининг турли жабҳаларида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Тантанада бир гуруҳ фахрийлар, ўқитувчилар хизматлари тақдирланиб, совғалар топширилди.

Бадиий ҳаваскорлар тўйга файз киритишди.

Усмонали ҲАМИДОВ.

МУЗЕЙДА... САБОҚ

АНГРЕН шаҳар Уфимцев номли санъат асарлари кўргазмаси ташкил топганига ўттиз икки йил тўлди.

Ўша кезларда Ўзбекистон халқ рассоми Виктор Уфимцев ўзининг кўплаб мойбўёқда яратилган санъат асарларини шаҳар меҳнаткашларига совға қилган эди. Ҳозирда кўргазма вилоятимиз маданий ҳаётида улкан аҳамият касб этиб, мухлислар маънавий оламини бойитишда, уларга нафосат улашишда хизмат кўрсатмоқда. Томошабинлар халқ рассомининг «Мангулик», «Эски Самарқанд», «Учрашув», «Ҳақиқат», «Лолалар», «Настарин» ва бошқа ўнлаб тўлақонли санъат асарларидан олам-олам завқ олмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, кўргазмага ўқувчилар ва талабалар муаллимлари билан тез-тез ташриф буюриб, тарих, жўғрофия, тасвирий санъат ва адабиёт дарсларидан сабоқ ҳам олмоқдалар. Айниқса, улуғ соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллигига бағишлаб кўргазмада ўтказилган турли адабий-бадиий тадбирлар, дарслар, учрашувлар мухлислар қалбида узоқ сақланиб қолади.

Бахтиёр БАҲОДИРОВ.

ЯНА ТЎЙЛАРИМИЗ ҲАҚИДА

ПАРКЕНТ тумани ҳокимлигида масжидлар домлалари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, отинойлар ва дастурхончилар билан тўйларни ихчам, файзли ўтказиш тўғрисида суҳбат бўлиб ўтди.

— Бундан кутилаётган мақсад битта, — деди туман ҳокими муовини Хожимурод Эрматов, — бозор иқтисодиёти шароитидаги чиқимларни камайтириш, тўй ўтадиган кунларни иложи борича ихчамлаштиришдир.

Суҳбат иштирокчилари қиз мажлиси, никоҳ қайд қилинган кунги кичик базмлар, чорларларда саруполарни кўз-кўз қилишларнинг ортиқча эканлиги, бу тадбирлар хурсандчилик ўрнига қатор оилаларда асабий ҳолатларга сабаб бўлаётгани хусусида гапирдилар. Айни пайтда тўйларни сермазмун ўтказиш масъулияти фаоллар зиммасида эканлиги ҳам таъкидланди.

Санд ВАЛИЕВ.

БОЛАЛАР СОҒЛОМ ЎССИН

Тошкентда «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси раёсатининг кенгайтирилган мажлиси бўлди. Унда жамғарма раёсати аъзолари ва жамғарма вилоят бўлимларининг директорлари иштирок этди. Шу йилнинг ёзида Қорақалпоғистонда, Республиканинг барча вилоятлари ва Тошкентда иш бошлаган тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатувчи кўчма бригадалар фаолияти таҳлил этилди.

Мажлисни «Соғлом авлод учун» жамғармаси бошқаруви раиси Гулнора Йўлдошева олиб борди.

Мажлисда таъкидланганидек, ёш авлодни соғломлаштириш давлат дастурига мувофиқ, бу йил республикада тиббий-ижтимоий шафқат тизими барпо этилди. Тизим олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун жамғарманинг ҳудудий бўлинмалари ихтисослаштирилган автоамбулаторлар — энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган ўзига хос кўчма поликлиникалар билан таъминланди. Ҳар бир амбулатория бригадасида турли йўналишдаги юқори малакали шифокорлар — терапевт, акушер-гинеколог, педиатрдан ташқари тиббий-ижтимоий ходим ҳам бор. Бу янги касб эгалари жамғарма колледжида тайёрланади. Амбулатория ишлашининг ўзига хос хусусиятлари ҳам бор. Шу сабабли жамғарма Соғликни сақлаш вазирлиги ва Тошкент шифокорлар малакасини ошириш институти билан биргаликда «Ўзбекистон қишлоқ жойларида аҳолига бирламчи тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш асослари» деб аталган махсус ўқув дастурини ишлаб чиқди. Бу курсни биринчи бўлиб битирган ходимлар ҳозир республиканинг кўп вилоятларида хизмат қилмоқда.

Мажлисда тиббий-ижтимоий шафқат тизимининг барпо этилиши республика аҳолисига, айниқса олис туманларда яшайдиган кишиларга ёрдам кўрсатишни анча яхшилаш имконини бергани қайд этилди. Ўтган йилнинг ёзидан буён деярли 6 минг оила текширишдан ўтказилди, зарур ҳолларда дастлабки тиббий ёрдам кўрсатилди, узоқ муддат даволанишга мухтожларга эса шифохоналарга йўлланма берилди. Айни пайтда иқтисодий жиҳатдан етарли таъминланмаган оилаларни аниқлаш учун анкета тарқатилди. Бундай оилаларнинг ҳаммасига мурувват ёрдами кўрсатилди. Олинган ахборотлар маҳаллий ҳокимият, соғликни сақлаш, ижтимоий таъминот органларига топширилди.

Бироқ республикадаги тиббий-ижтимоий шафқат тизими тўла қувват билан ишлаши учун, биринчидан, маҳаллий ҳокимият органлари билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйиш, иккинчидан эса, тизимнинг бутун фаолиятини марказлаштириш зарур, деб таъкидланди мажлисда. Шу муносабат билан келгуси йилдан бошлаб «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳузурида тиббий-ижтимоий марказ очишга қарор қилинди. Бу марказ аҳолига изчил равишда аниқ ёрдам кўрсатишни ташкил этиш юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Мажлисда жамғарманинг Сурхондарё ва Тошкент вилоят бўлимлари иши тўғрисидаги ҳисобот тингланди.

Жамғарма раёсати янги йил бошидан бошлаб «Биз Ўзбекистон болаларимиз!» деб аталган биринчи болалар республика санъат фестивалини ўтказиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилди. Фестивал якунлари Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида чиқарилади.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

Фармон ва ижро

ИШБИЛАРМОНЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Вилоятимиздаги товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари фаолияти кўлами кенгаймоқда

МАМЛАКАТИМИЗДА мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни — иқтисодий ислоҳотларни бош бўғини ҳисобланган бу тадбирни амалга ошириш кўлами кенг миқёсларда олиб борилмоқда. Шу туфайли мулк шакллари кўпаймоқда. Албатта, мулкка эгалик қилиш, яъни тадбиркорлик осон эмас. Уни уддалашнинг ўзи бўлмайди, чунки бу соҳада тажриба ҳали етарли эмас. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишга киришган кўпчилик ишбилармонлар айрим ҳолларда қоқилиб қолмоқдалар, юзага келган муаммонинг ҳал қилиш йўлларини тополмай қийналмоқдалар.

Мамлакатимизда шаклланиш даврида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Шу мақсадда қатор қонунлар, юртбошимиз фармонлари, қарорлар чиқарилди. Республикамиз Президентининг товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини ташкил этиш ҳақидаги Фармони ҳам айни муддао бўлди. Бевосита ишбилармон аъзо бўлиб кирадиган бундай ташкилотлар уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади.

Шу Фармон асосида вилоятимизда, унинг шаҳарлари ва туманларида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталари ташкил этилди ҳамда улар ўз фаолиятларини бошлаб юбордилар. Айтиш мумкинки, кўпчилик палаталарнинг дастлабки қадамлариёқ самарали бўлди.

Вилоят палатаси ташкилий ишлардан кейин бу уюшмага аъзоларни, яъни товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорларни жалб қилиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларни амалга оширишга қатъий киришди. Бунинг учун тадбиркорлик тузилмаларида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди, палатанинг асосий вазифаси уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат эканлиги тушунтирилди, бу ўз самарасини берди. Палатага аъзо бўлиш истагини билдирган тадбиркорлар сафи тез ортиб борди. Октябрь ойи ўрталарига келибоқ палатага салкам тўрт мингта тадбиркорлик субъектлари қабул қилинди. Улардан тушган кириш ва аъзолик бадаллари ҳам катгагина маблағга етиб, деярли икки миллион сўмни ташкил этди.

Айрим шаҳарлар ва туманлардаги палаталар ўз фаолиятларини жадал бошлаб юбордилар ва муайян натижаларга эришдилар ҳам. Бу соҳада, айниқса, Олмалиқ шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси иши тақдирга сазовордир. У ишбилармонларни аъзоликка жалб қилишда яхши натижага эришмоқда.

Шаҳар палатасининг яна бир ибратли ишини қайд қилиб ўтишни ўринли ҳисоблайман. У шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг доимий ярмаркасини очиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга палата аъзолари тайёрлаётган маҳсулотлар намунаси қўйилди. Бу иш буюмларнинг ички ва ташқи бозорда сотилишига ёрдам беряпти. Ҳар бир харидор, у юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъий назар, шу ярмаркада намойиш қилинаётган маҳсулотни харид қилишни истаса бевосита уни ишлаб чиқараётган жамоага мурожаат қилиб, олди-сотдини осонгина расмийлаштиради.

Айни вақтда палата тадбиркорлар ва кичик ҳамда ўрта бизнес ходимларини ўқитиш ва малакасини оширишга эътибор бермоқда. Шу мақсадда палата ҳузурида бу иш билан шуғулланувчи махсус бўлим тузилди. У ўз фаолиятини ҳам бошлаб юборди. Тадбиркорлар ва кичик ҳамда ўрта бизнес ходимларининг дастлабки гуруҳи ўқитилмоқда. Улар бозор иқтисодиёти шароитида ўз касблари бўйича қандай ишлаш усулларини ўрганмоқдалар. Бундан ташқари, умумтаълим мактабларининг 10-11 синфлари ўқувчилари учун бизнес-мактаб очилди. Ёшларни тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб қилиш мақсадида ташкил этилган бу мактаб ҳам шу йилнинг 16 октябридан ўз ишини бошлади. Унда дастлабки ўқувчилар гуруҳи таълимнинг бу шаклига жалб қилинди.

Юқоричирчиқ тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасига ҳам ҳозиргача тумандаги ишбилармонларнинг саксон фоиздан кўпроғи бирлашди. Янгийўл шаҳрида ҳам ишлар аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориляпти. Айниқса, бу ерда жисмоний шахслар билан ҳамкорлик пухта йўлга қўйилган. Палата доирасида тармоқ уюшмаларини тузишга киришилганлиги диққатга сазовордир. Бу эса 260 та жисмоний шахсни аъзо қилиб расмийлаштириш имконини берди. Улар умуман ҳокимликда рўйхатга олинган шундай тадбиркорларнинг 30 фоизга яқинини ташкил этади. Қибрай тумани палатаси ўз аъзолари сафига 50 фоиздан ортиқ юридик шахсларни ҳамда жисмоний шахсларнинг деярли 20 фоизини қабул қилди. Бу палатага аъзо бўлиш учун тўланган бадал уч юз минг сўмга яқинлашиб қолди.

Вилоят палатаси шаҳарлар ва туманлардаги ўз бўлинмаларига ташкилий ва молиявий масалаларда ёрдам бермоқда. Жойларда палаталар аъзолари бўлган тадбиркорларга кўмаклашадиган бошқа қатор хизматларни барпо этиш бўйича ишлар бошланди. Жумладан, шаҳарлар ва туманларда маслаҳат ёрдами кўрсатувчи бешта марказ, учта маркетинг маркази, иккита аудиторлик хизматлари ишлаб турипти. Ҳозирги вақтда товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси истеъмол товарлари, аввало озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хусусий корхоналар улушини кўпайтириш тадбирларини кўрмоқда. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида истеъмол бозорини аҳоли учун кундалик зарур буюмлар билан бойитиш лозим бўлиб турипти. Ўткир муаммони ҳал қилишга барча юридик ва жисмоний шахслар ҳам ўз тадбиркорлик тузилмалари билан муносиб ҳисса қўшишлари талаб этилмоқда.

М. МИРҲАМИДОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ҚИБРАЙ ОҒУШИДАГИ СУРУРЛИ ОНЛАР

Қибрай туманида ўтказилган «Маънавий-маърифий ислоҳотлар давр сиёсатининг асосий устивор йўналишидир» номли илмий-амалий анжуман иштирокчилари шундай хулосага келдилар.

РЕСПУБЛИКА «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ҳамкорлигида ўтказилган бу илмий-амалий анжуманни туман ҳокими Мирзамашраб Кўччиев бошқариб борди.

Анжуманда Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов, Халқаро «Экосан» хайрия жамғармаси раҳбари Юсуф Шодиметов, Республика халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, «Тафаккур» журнали бош муҳаррири Эркин Аъзамов, профессор Озод Шарофиддинов ва бошқалар иштирок этдилар.

Маънавият устун бўлғай, остин бўлмағай

Жумладан, Неъмат Аминов маънавият комиллик мезони эканлиги хусусида фикр билдириб, маънавият ва иқтисод муаммолари устида алоҳида тўхталиб ўтди. Айни пайтда, марказнинг ҳозирги кунда олиб бораётган ишлари ҳақида йиғилганларга ахборот берди. Марказ тегишли вазирликлар билан ўрта мактабларда «Одобнома» ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида «Маънавият асослари» дарслари ташкил этилаётганини, миллий маънавият модели устида иш олиб борилаётгани, «Олтин мерос», «Нуроний», «Камолот» жамғармалари ва Ёзувчилар уюшмаси билан жойларда ташвиқот-тарғибот гуруҳлари фаолият кўрсатаётганлиги хусусида сўзлади.

Ўтган йили юксалиш йили эди. 1997 йил — инсон манфаатлари йили бўлади деган Президентимиз нечоғлик халқимиз дилидаги гапларни топиб айтди, деб сўз бошлади Жўра Йўлдошев. Бунда маънавият асосий мезон бўлади. Биз янги авлодни тарбиялашимиз бундан унинг ўз йўналишлари бўлиши лозим. Вазирликда маънавият бошқармаси ташкил этилди. Унинг ўз лабораторияси мавжуд. Ўрта мактабларда директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари янги лавозими таъсис этилди.

Айни чоғда, мактаб дастурларига «Одобнома», «Инсон ва қонун» дарслари киритилди. Ҳозирда адабиёт, тарих ва бошқа дарсликлар мазмун жиҳатидан қайта кўриб чиқилмоқда. Чунки, фақат мажлислар ўтказиш орқали ёшларни тарбиялаб бўлмайди. Уларни бевосита дарс жараёнларида тарбиялаб бормоқ керак. Кузатиш ва тажрибалардан маълум бўлдики, болалар тарбиясида катталарнинг ибрати улкан намуна экан. Зеро, «қуш уясида кўрганини қилади». Шу нуқтаи назардан олиб қарағанда, маҳалла, оила, мактаб тизилмаси яхши ишлаши керак. Шундагина кўзланган мақсадга эришилади.

Маънавиятга эҳтиёж катта. Унга юксак манфаат нуқтаи назаридан ёндошмоқ керак.«Экосан» жамғармасининг ҳам ўз маънавий йўналиши бор. Бу «Экосан ва саломатлик»дир, деди Юсуф Шодиметов. Биз, аввало, миллатимизнинг саломатлигини сақлашимиз керак. Соғлом турмуш тарзи бўлмас экан, маънавият ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Зеро, фалсафа, маънавият, маданият, фан билан шуғулланиш учун — инсон соғ ва саломат бўлиши зарур.

Японияда урушдан кейин соғлом аёлни вужудга келтириш устида иш олиб борилди. Бунинг учун беш ёшгача бўлган қизлар тарбиясига алоҳида эътибор берилди. Ҳозирга келиб энг соғлом ва узоқ умр кўраётган миллат — японлар бўлиб, уларнинг бўйлари ўрта ҳисобда 10-11 см.га ўсди. Биз ҳам тажриба тариқасида Қибрайда шундай кенг кўламли ишларни амалга оширишда ёрдам беришга тайёрмиз.

Маънавият — юракни, қалбни кенг қилиш, бошқаларга эҳсон этиш, ўзини юксак инсон, деб билмоқ демак! Бу — Озод Шарофиддинов фикри. У ўз сўзини қуйидаги ибратли ҳикоят билан мустаҳкамлади. Эрамиздан аввалги 4 асрда яшаган аллома Суқрот 70 ёшга етганда туҳмат балосига учради. Унга ёшларни издан чиқаряпти, деган айб қўйишди. Ўша чоғларда Афинада демократия бўлган. 500 нафар киши Суқротни суд қилиб, айбдор топиб, ҳукм чиқаришибди. Айбдор ўз ҳохишига кўра икки жазо туридан бирини танлаши лозим экан: ўзи заҳар ичиб ўлиши ёки бошқа ерга бадарға бўлиш! Суқрот ўлим жазосини ихтиёр этибди. Нега бундай қилганини сўрашганда, у Ватан унинг учун муқаддаслигини, жисми шу ер тупроғида қолишини айтибди. Мана шу — маънавият!

Республика Президенти Ислом Каримов маънавият ва маърифатни байроқ қилиб кўтарди. Бунга қувонишимиз керак, деди Пиримқул Қодиров. Дарҳақиқат, маънавий бойликни биров иккинчи бир одамга беролмайди. Маънавият йиллар давомида одамнинг ўзида тўпланади. Демак, маънавиятни инсониятнинг ўзи йиғади. Бунда муҳитга кўп нарса боғлиқ. Улуғ боболаримиз — Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Ҳумоюнлар шоҳ бўлишган, лекин, улар ўша муҳитнинг оғирлигидан қийналиб, ўртаниб, азобда яшашган! Ҳаётдан мақсад нима? Бахтли яшашдир. Кўпчилик «Бойлар ҳам йиғлайди» номли Мексика телевизион бадиий фильмини яхши эслайди. Инсонга фақат иқтисодий жиҳатдан бойлик эмас, унга маънавий бойлик кўпроқ керак экан! Зеро, ҳаётда ҳар ким экканини ўради. Бу ота-боболаримиздан қолган ибратли ўгит. Инсон яхшилик қилиб яшаши зарур. Яхшилик қайтади!..

Ҳа, таниқли ёзувчимиз чуқур маъноли гапларни айтди. Зотан, у ёзган асарлар маънавият сарчашмаларидир. Унинг талабалик давридаёқ яратган «Уч илдиз» романи — ўша даврлардаги маънавият илдизлари ҳақида баҳс юритган бўлса, кейинчалик «Қора кўзлар» романи, «Мерос» қиссаси ва «Олмос камар» романи — маънавият занжирининг ҳалқалари эди.

Анжуман сўнгида халқимизнинг ардоқли фарзанди, шоир Эркин Воҳидов ўзининг янги шеърларидан, ғазалларидан ўқиб бериб, тадбирга алоҳида файз-тароват бахш этди.

Анжуманга йиғилган туман фаоллари, корхона раҳбарлари, фахрийлар ва бошқалар ўтказилган тадбирдан мамнун бўлганликларини таъкидладилар.

Баҳодир ВАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Вилоят ҳокимлигида

КОНТРАКТАЦИЯЛАРНИ ПУХТА ТУЗАЙЛИК

МУСТАҚИЛ мамлакатимизнинг халқ хўжалиги бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти белгилаган ўзимизга хос ва мос бу йўл ҳаётийлигини, тўғрилигини амалда исбот этиб турибди. Хўжалик юритишнинг янги усулига ўтиш давомида бозор иқтисодиётига хос атама ва тушунчалар ҳаёт тарзимизга тобора жадал кириб келмоқда. Илгари маълум бўлган айрим атамалар ўз моҳияти ва мазмунини ўзгартирмоқда.

Контрактация тушунчаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бозор муносабатларига ўтиш даврида унинг аҳамияти кучайиб бормоқда. Хўжалик юритишнинг янги шартномаларида у тўла маънода иқтисодий ҳамкорлик қилишнинг усули бўлиб қолди. Чунки, илгари марказдан белгилаб қўйиладиган режали бошқарув бекор қилиниб, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келган ҳозирги шароитда хўжалик субъектлари — корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, хўжаликлар, ҳатто, фуқаролар ўртасидаги муносабатлар тенглик асосида қуриляпти. Эндиликда улар ўзаро муносабатларга эркин ва мустақил киришадилар. Шундай иқтисодий муносабатларда контрактация — шартномаларнинг роли ошиб боради.

Шуни ҳисобга олиб, республикада кейинги йилларда бундай шартномаларни тузиш масаласига катта эътибор берилмоқда. Вилоятимизда ҳам худди шундай қилинаётир. Бироқ контрактация шартномаларини тузиш, унга тўла амал қилиш соҳасида, айрим ютуқларни ҳисобга олмаганда, камчиликлар, нуқсонлар ҳам кўп.

Яқинда вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар-кенгашда контрактация шартномаларини сифатли ва ҳуқуқий жиҳатдан тўғри, аниқ ва пухта тузиш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Унда вилоятимизнинг қатор бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар раҳбарлари, контрактация шартномаларини тузиш бўйича мутахассислар ва бошқалар қатнашдилар. Кенгашни вилоят ҳокимининг муовини Ҳамидулла Асатов олиб борди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққан республика олий хўжалик судимасъул ходими А. Петриченко, вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг муовини Т. Пидаев, вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У. Иноможонов, вилоят ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи А. Раҳмонбердиев, Республика Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходими Р. Норқуловлар хўжалик субъектлари ўртасида ҳамкорлик қилиш бўйича ўзаро шартномалар бажарилишининг ҳозирги вақтдаги аҳволи ва уларни янада пухта, аниқ, амалдаги қонунларга тўла асосланган ҳолда тузиш билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича йўл-йўриқлар кўрсатдилар ва бу ҳақдаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Семинар-кенгашда қайд этилганидек, контрактация шартномалари бир неча йилдан бери тузилиб келинмоқда. Бу соҳада муайян тажриба ҳам тўпланди. Кўпгина хўжалик субъектлари шартнома талабларига риоя қилмоқдалар, уларнинг тўла ва дуруст бажарилишига эришмоқдалар. Бироқ, кўпинча шартномаларнинг ҳуқуқий жиҳатдан пухта тузилишига эришилмайди, унда тузган томонларнинг вазифалари ва бурчлари аниқ-равшан кўрсатилмайди. Баъзан эса шартномалар амал қилинмасдан, қоғозда қолиб кетади.

Вилоят шаҳарлари ва туманларидаги корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг шериклар билан тузган шартномалари танлаб текширилганида уларнинг ҳар бирида икки-учтадан хатога йўл қўйилганлиги маълум бўлди. Бунинг асосий сабабларидан бири шартномалар тузиш бўйича йўриқномаларга тўла амал қилинмаётганлигидир. Уларни тузишда ҳуқуқшуносларнинг роли катта. Бироқ, сўнгги йилларда корхона, хўжаликлар, ҳатто, шаҳар ва туман ҳокимликларида ҳуқуқшуносларнинг камайиб кетди, ходимлар сонини қисқартириш баҳона уларнинг кўплари бўшатиб юборилди. Ҳозирги вақтда вилоятдаги 22 та шаҳар ва туман ҳокимликларининг фақат саккизтасидагина ҳуқуқшунос бор. Бир вақтлар 800 дан ортиқ хўжалик, корхона, ташкилотларда ҳуқуқшунос ишлаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 200 тага етар-етмасдир.

Семинар-кенгашда бундан кейин шартномалар тузишда йўл қўйилган ва аниқланган камчиликлар, нуқсонларни бартараф этиш, улардан сабоқ чиқариш, янги контрактацияларда уларнинг такрорланмаслигини таъминлаш зарурлиги алоҳида уқтирилди.

Семинар-кенгаш ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари С. О. Хўжаева қатнашди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.



Ишчанлик, кўзланган мақсад йўлидаги қатъийлик азму қарор топган бу нигоҳларга бир назар ташланг. Уларда элим деб, юртим деб яшаш, фидойилик туйғулари мужассам. Бу заҳматкаш аёллар — Паркент туманидаги «Бойқозон» корпорациясининг «Чорвадор» агрофирмасида ўз хизматларини ҳалол ўтаб келишмоқда. Улар шу йил давомида ҳар бир сигирдан кунига 9-10 литрдан сут соғиб олишмоқда. Фирмадагина эмас, бутун туманда бу онахонларни мураббийлар сифатида эъзозлашади. Улар икки уч нафардан ёшларни моҳир сут соғувчилар қилиб етиштиришди.

Суратларда: агрофирманинг устоз соғувчилари (чапдан) Карима Тўхтаева, Омила Бадалова, Муқаддас Тошеваларни кўриб турибсиз.

Равиль ШАМСУТДИНОВ олган суратлар.

Меъморчилик ва шаҳарсозлик II вилоят кўрик-танлови ниҳоясига етди

ЯКУНЛОВЧИ БОСКИЧ

ПАРКЕНТДА меъморчилик ва шаҳарсозлик II вилоят кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди. Унинг кўп сонли қатнашчилари сафарни тумангга кириб бориладиган жойдаги янги қурилган аркни томоша қилишдан бошладилар. Сўнгра танлов дастурига тақдим этилган кўпгина янги объектлар билан танишдилар. Уларнинг ўзига хос томонлари шунда эдики, ишлаб чиқариш-хўжалик вазифаларини бажаришга мослашган объектларда ҳам, спорт иншоотларида ҳам миллий меъморчилик анъаналари ёрқин намоён бўлиб турарди. Бу эса танловнинг асосий шартларидан бири эди. Айни вақтда янги ишчи ўринларини ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилади. Бу соҳада ҳам Паркентда муайян ишлар қилинди.

Яқинда «Бойқозон» халқ корпорацияси ҳудудида кичик тегирмон очилди. У бир кеча-кундузда 20 тонна ун тортади. Бу маҳсулот ички эҳтиёж учун ишлатилади. Шуниси муҳимки, кичик тегирмонда 7 та қўшимча ишчи ўринлари очилди.

Республика мустақиллиги куни арафасида иш бошлаган ва 10 мингта ўрни бўлган ўйингоҳ билан паркентликлар алоҳида ғурурланмоқдалар. Бу йирик иншоот бор-йўғи 70 кунда қад кўтарди. Уни барпо этишда тумандаги йирик корхоналар ҳашар йўли билан қатнашдилар, маблағларни ҳам ўз ҳисобларидан ажратдилар. Ҳаражатлар кам бўлгани йўқ, у салкам 30 миллион сўмни ташкил этди. Бироқ, ўйингоҳ бу ҳаражатларни пул билан қопламаса ҳам ҳозирги ва келажак авлоднинг жисмоний соғломлиги билан оқлайди. Айни вақтда ўйингоҳда болалар ва катталар футбол командалари тузилди, яқин вақт ичида чим устида хоккей ва каратэ секциялари ҳам иш бошлайди.

Машҳур Паркент бозорининг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Янги усти ёпиқ бозор сотувчиларни ҳам, харидорларни ҳам хурсанд қилмоқда. Улгуржи савдо билан шуғулланувчилар учун ҳам қўшимча қулайликлар яратилди — омборхоналар барпо этилган. Савдо қилиш учун мўлжалланган усти ёпиқ янги майдонларни фойдаланишга топшириш сотувчилар сонини 120-150 кишига кўпайтирди. Эндиликда ҳиссадорлик жамияти бўлиб қолган бозор олаётган фойда ҳажми 340 минг сўмгача етди, илгари у 200 минг сўмдан ошмасди. Тушган тушумлар асосан уни қайта қуришга сарфланмоқда. Илгари фойданинг 50 фоизи давлат бюджетига ўтказиларди. Эндиликда бу маблағ ҳам бозор маъмурияти ихтиёрида қолмоқда. Яқин келажакда буюмлар бозори учун 350 ўринли янги усти ёпиқ биноларни қуриш назарда тутилмоқда.

«Ботир» хусусий тикувчилик корхонасининг ишга тушганига бир неча кун бўлди, холос. 1 декабрдан маҳсулот чиқара бошлаган корхонада ҳозир маҳаллий аҳолидан 170 киши ишламоқда. Бу ерда тикилаётган ишчи коржомаларига буюртмалар етарли. Чирчиқ шаҳри, Тошкент тумани, бошқа минтақалар ҳам буюртма беришган. Келгуси йилда ишлаб чиқариш яна 200 ишчи ўрнига кенгаяди. Тикиб чиқарилаётган буюмлар сони кўпаяди. Паркент тумани меъморчилар гуруҳи (бош меъмор М. Сарбоев) якунловчи босқич муҳокамасига Куйганток уй-жой мавзеси, гузарлар, автостанциялар ва автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчалари, якка тартибда қурилаётган объектлар, қаҳвахона лойиҳаларини ҳам тақдим этди. Туман ичимлик сув билан юз фоиз таъминланган. Йил охиригача сўнгги уч километр газ қувури ҳам ётқизилади. Бу билан газлаштириш ниҳоясига етказилади. Турли-туман саноат объектлари комиссиянинг ижобий баҳосини олди. Бироқ, вилоятнинг бош меъмори қайд қилганидек, бугунги кунда шаҳарсозликнинг энг асосий вазифаларидан бири қурилишларнинг бош режаларга мувофиқ олиб борилиши ва унга риоя этилиши устидан назорат қилишдир. Қурилиш, уларни рўйхатга олиш ва экспертиза қилиш устидан назоратни кучайтириш соҳасида ўзбошимчаликка чек қўяди.

Кўрик-танлов якунларини чиқаришга оз вақт қолди. Январда жюрининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтади. Унда ҳозирча республикамизда ягона бўлган меъморчилик ва шаҳарсозлик II вилоят кўрик-танловининг ғолиблари аниқланади. Бу кўрик-танлов, шубҳасиз, вилоятимиз шаҳарлари ва туманларининг қиёфасини ижобий ўзгартиришга самарали таъсир кўрсатади. Лекин, шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, янги қурилган ҳашаматли бинолар ёнида ахлатлар, чиқиндиларнинг уюмлари, қуриб қолган чўмилиш ҳавзалари ва фавворалларни, пайҳон қилинган кўкаламзор майдонларни ҳам учратиш мумкин. Ахир, бунинг олдини олиш учун айтарлик маблағ ёки куч-ғайрат сарфланмайди-ку. Энг муҳими, бу ҳақда қайғуриш лозим. Чунки, фақат умумий куч-ғайрат билангина шаҳарларимиз ва қишлоқларимиз қиёфасини янада гўзал, обод ва ўзига хос қилишимиз мумкин.

Н. ПЕТРАЧКОВА.

САКУРА ЎЗБЕК ЗАМИНИДА

«Яккасарой» қабристони Тошкентдаги бошқа қабристонлардан ўзининг бир хусусияти билан фарқ қилади. У ҳам бўлса, у ерда дафн этилган турли миллатлар қатори япон ҳарбий асирларининг ҳам юзга яқин қабрлари бор. Бундай қабристонлар республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам мавжуд...

Архив маълумотларига кўра, Иккинчи жаҳон уруши тугаганда Совет ҳукумати ихтиёрида асирга олинган 550 мингга яқин япон ҳарбий аскар ва зобитлари бор эди. Уларнинг 60 мингга яқини ўша вақтнинг ўзида озод этилиб, қолганлари эса Иттифоқ бўйлаб турли ҳарбий-саноат ва халқ хўжалиги объектларида ишлатиш учун жўнатилган. Мисол учун, ўша даврнинг бир ҳужжатида Иттифоқ миқёсидаги Ангрен кўмир конида фойдаланиш учун япон асирларининг 8 минг кишидан иборат биринчи партияси Тошкентга юборилгани хабар қилинган. Архив ҳужжатлари япон ҳарбий асирлари кучидан Тошкент, Андижон, Фарғона ва Бухоро вилоятларида ҳам фойдаланилганини кўрсатади. Тошкентнинг энг гўзал кошонларидан бири Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет театри биносининг яратилишида япон асирларининг хизматлари катталиги кўпчилик қариялар ёдида. Эшитишимизча, табиатан раҳмдил ва кўнгилчан халқимиз юртимизга тақдир тақозоси билан келиб қолган японларнинг иложи борича кўнгилларига таскин беришга ҳаракат қилганлар. Очарчилик йиллари бўлишига қарамасдан, одамлар улар яшаган бараклларга, ишлаётган жойларига ёки жуда бўлмаганда, саф тортиб кетаётганларида йўл-йўлакай бирон-бир егулик беришни савоб деб билганлар. Ажабланарлиси шуки, ўз меҳнатлари самараларини кўришлари учун Навоий театрининг очилиш куни «Фарҳод ва Ширин» спектаклининг премьерасига япон асирлари ҳам таклиф қилинганлар. Япон ҳарбийлари икки-уч йилдан сўнг бутунлай озод этилиб, юртларига жўнатилди. Аммо ҳаммага ҳам бу бахт насиб этмади...

Охирги йилларда Япониядан келаётган турли даражадаги ҳайъатлар, қариндош-уруғлар, ёру биродарлар ўзбек еридаги ватандошлари қабрларини зиёрат қилмоқдалар. Бир неча йил илгари бу ишларни амалга ошириш маълум қийинчиликлар, қолаверса, тўсиқларга учраган бўлса, ҳозирга келиб мамлакатларимиз ўртасидаги илиқ, дўстона муносабатлар туфайли барча муаммолар бартараф этилди.

Ўзбекистон — Япония

1995 йилда «Яккасарой» қабристонида республикамизда вафот этган 819 япониялик хотираси учун ёдгорлик ўрнатилиши катта воқеа бўлди. Икки томоннинг аҳдлашувига кўра, бошқа қабристонларда ҳам ободонлаштириш ва хотира лавҳалари ўрнатиш каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Япон ва ўзбек халқларини яқиндан танишишларида, халқ дипломатиясининг амал қилишида Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциацияси қошида ташкил этилган «Ўзбекистон — Япония» жамияти ҳамда «Фукусима — Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик ассоциациясининг роллари катта. Гарчи япон ассоциацияси 1979 йилда ташкил этилган бўлсада, бу жамият фаолияти кейинги йилларда янгича аҳамият касб этди.

Ҳар икки жамиятнинг ўз олдига қўйган мақсади бор. У ҳам бўлса япон ва ўзбек халқларини бир-бирларининг ҳаёти, маданияти, миллий удумлари ва ютуқлари билан таништиришдан иборат.

Президентимиз И. Каримовнинг 1994 йилда Японияга қилган расмий ташрифи икки мамлакат муносабатлари ривожига янгича куч бағишлади. Охирги икки йилнинг ўзида Япониядан 20 дан ортиқ турли делегациялар ташриф буюриб, миллий ассоциациямиз бошқошлигида юртимиз билан яқиндан танишиб кетдилар.

Юртдошларимиз ҳам, ўз навбатида, «Кун чиқар мамлакат»га жавоб ташрифлари билан бориб турибдилар. Кейинги йилларда турли шаҳарларда тўрт марта Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди. Уларда «Лазги», «Баҳор» халқ ашула ва рақс дасталари, фольклор гуруҳлари, халқ ҳунармандлари муваффақият билан иштирок этиб, япон халқини хушнуд этдилар. Турли кўргазмалар ташкил қилинди, фильмлар намойиш этилди.

Таъбир жоиз бўлса шуни ҳам айтиш керакки, ҳар йили Япониянинг Осака шаҳрида фаолият кўрсатувчи «Тинчликнинг яшил камари» жамоатчилик жамғармаси вакиллари миллий ассоциациямиз билан биргаликда тинчлик боғи ташкил қилиш тадбирларини ўтказиб турадилар. Япониянинг «Марубени корпорейшн» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси эса «Япония гуллари жамияти» билан биргаликда Тошкентда япон боғи ташкил қилиш учун миллий ассоциацияга сакура дарахти ниҳолларини тухфа қилдилар. Япон сакурасининг Тошкентда ҳам гуллашига шубҳамиз йўқ...

Исроил ШАМСИМУҲАМЕДОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги.

ТОҒЛАРДАДИР МЕНИНГ ҚАЛБИМ...

ЎЛКАМИЗ яшил бойликларини илмий асосда тадқиқ этишда геологик-ботаника хариталаридан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Республикамизнинг турли яшил бойликларга эга бўлган ҳудудлари бўйича ҳам бундай географик ҳужжатлар тайёрланган.

Ўгам-Чотқол миллий парки бўйича янги ишлаб чиқилган харита ҳам тезда оммалашиб кетди. Муҳими шундаки, бундай самарали изланишни мактаб ўқувчилари олиб боришди.

Республикамиз пойтахтида деярли 15 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган «Эремурус» экология клуби ташаббуси билан Ўгам-Чотқол миллий паркига бир неча бор юриш қилинди. Ана шу кузатишлар натижасида бу ердаги мавжуд ўсимлик турлари ва сони тўлиқ аниқланди. Геоботаник хаританинг юзага келишида бу изланиш асос бўлиб хизмат қилди.

Клуб ташаббуси билан Тошкент вилоятининг тоғлиқ ҳудудларига бир неча саёҳатлар уюштирилди. «Тоғлардадир менинг қалбим» экологик ўқув машғулотларида эса ана шу кузатишлар ҳақида батафсил ҳикоя қилинди.

РАҲБАРНИНГ ЎЗИ БОШ

Тошкент Давлат Университетининг география ва геология куллиётлари яхши ташаббус кўрсатиб, атоқли олим Ҳамидулла Ҳасанов номидаги 126-мактаб ҳузурида лицей синфини очишган эди. География ва геология фанлари бўйича чуқурлаштирилган дастур асосида ўз машғулотларини олиб бораётган махсус синф учун тайёрланган ўқув дастурини тузишда олий ўқув юрти олимлари фаоллик кўрсатдилар.

Ушбу дастур бўйича ер ҳақидаги фанларга қизиқувчи иқтидорли ўқувчилар фойдали ерости қазилма конлари билан боғлиқ билимлар билан ҳам таништирилмоқда. Шунга кўра улар билан амалий машғулотлар ўтказиш тадбирлари ҳам кўрилди. Бундай амалий таълимий жараённи йўлга қўйиш вазифасини бир гуруҳ геолог мутахассислар ўз зиммаларига олишди.

Гап шундаки, Олмалиқ шаҳрида жойлашган «Қаульди» олтин қазиб чиқариш кони раҳбари Ҳ. Ризаев ушбу лицей синфи очилганидан бохабар эди. Унинг саъй-ҳаракати билан махсус синф кон раҳбарияти оталиғига олинди. Бу эса лицей синфи ўқувчилари амалий машғулотлари учун қулай шароит яратиш имконини берди. Бу ишда кон директорининг ўзи бош-қош бўлмоқда. Маърифатпарвар раҳбарнинг жонбозлиги туфайли мактаб билан Зангиота туманидаги комплексли геология-қидирув экспедицияси ҳам алоқани йўлга қўйди.

Акбар АЛИЕВ.

«Бен-заня» томошалари

Қўйичирчиқ туманида «Бен-заня» корейс қўшиқ ва рақслари дастаси ташкил топди.

Раиса Кан раҳбарлик қилаётган даста туман марказида «Дўстлик оқшоми тароналари» мусиқий дастурини намойиш қилгач, корейслар кўп яшайдиган «Янги ҳаёт», «Гулистон», Беруний номли ва бошқа жамоа хўжаликлари меҳмони бўлишди. Дастага таркибига кирган Сергей Хан, Елизаветта Ким, Саня Кан, Мария Ким, Людмила Шегай каби хонанда ва раққосаларнинг чиқишлари барчага манзур бўлмоқда.

Санджон МУСТАФОЕВ.

КИНОЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Япон кино санъати дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Шу боис япониялик киносанъаткорлар билан мулоқотда бўлиш, тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Аммо кўп вақт бунга имкон бўлмаганди. Японияда ўтказиладиган халқаро кинофестивалларда қатнашувчи фильмларни танлаш Москва ихтиёрида эди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, Япония билан маданий ҳамкорлик ривожлана бошлади. Бир гуруҳ кинотанқидчилар, ёш ижодкорлар Японияга ўз асарлари билан боришга муваффақ бўлди. У ерда иқтидорли режиссёр Зулфикор Мусоқовнинг «Абдуллажон», Фарид Давлетшиннинг «Қайпнинг иккинчи саёҳати» фильмлари намойиш этилди. Ўзбек киночилари яратган бу фильмлар япониялик кинотанқидчилар ва томошабинларда катта қизиқиш уйғотди. Улар мамлакат телевидениесида ҳам намойиш этилди. Япон томошабинлари ўзбек халқи, унинг бой маданияти ва маънавияти билан танишишга мушарраф бўлди. Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ва «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ташаббуси билан 11—14 декабрь кунлари мамлакатимизда Япония киноси кунлари ўтказилмоқда.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзА мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

● БУЮК бобомиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги ён қўшнимиз — Қозоғистон диёрида ҳам кенг нишонланмоқда. Алмати, Чимкент, Жамбул, Туркистон ва бошқа шаҳарларда соҳибқирон ҳаёти ва фаолиятига бағишланган маросимлар бўлиб ўтди. Учрашувлар, йиғинлар, мулоқотларда сўзга чиққанлар ўзбек ва қозоқ халқларининг азалий дўстлиги, тарихимиз, келажагимиз муштараклиги хусусида тўлқинланиб гапирдилар.

● БМТнинг фавқулодда болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ) таъсис этилган кунга ўтган чоршанбада 50 йил тўлди. Юртимизда ушбу нуфузли ташкилотнинг ваколатхонаси 1994 йилнинг 1 мартида очилган эди. Ўтган қисқа муддат ичида республикамизнинг БМТ Болалар жамғармаси билан ҳамкорлиги тобора кенгайиб борди. «МЕКАКАР» дастури, «АСПЕРА» лойиҳаси бўйича ўтказилган тадбирлар шулар жумласидандир.

● ПОЙТАХТИМИЗДА Оврупода Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Марказий Осиё бўйича бюросининг янги биноси тантанали равишда очилди. Маросимда сўзга чиққан ОХҲТнинг мазкур бюроси раҳбари Алоис Резник ўз тасарруфидаги маҳкама фаолиятига алоҳида эътибор берилаётганлиги учун Ўзбекистон ҳукуматига миннатдорчилик изҳор этди.

КЛИНТОН ТАНЛАГАН ЯНГИ КИШИЛАР

БИЛЛ Клинтон ўтган ойда бўлиб ўтган сайловларда иккинчи муддатга АҚШ президенти этиб сайланганидан сўнг ўз маҳкамасидаги айрим лавозим раҳбарларини ўзгартишга қарор қилганлигини билдирди. АҚШ давлат котиби Уоррен Кристофер дарҳол истеъфога чиқажаклигини эълон қилди. АҚШ давлат сиёсатида давлат котиби лавозими олий мартабали амаллардан биридир. Зеро, у президентнинг «ўнг қўли» ҳисобланиб, энг фаол ва тезкор арбоблар сирасига киради. Бу амал тақрибан бошқа мамлакатлардаги ташқи ишлар вазирлари вазифаси мақомига тўғри келади.

Масаланинг ғоят нозиклигини тушунган Б. Клинтон ташқи ишлар маҳкамасининг раҳбарлигига Мэдилин Олбрайт хонимни тавсия этди. АҚШ тарихида бундай олий вазифага биринчи марта аёл киши танланди.

АҚШ давлат тизилмасида давлат котиби, мудофаа вазири, Марказий Разведка Бошқармаси, Президентнинг миллий хавфсизлик маслаҳатчиси каби амаллар ҳамиша нуфузли ўринда турган. Шу боис жаҳондаги кўпгина мамлакатларда бу тайинланишларга алоҳида қизиқиш билдирилди. «Тошкент ҳақиқати» муштарийлари ҳам мазкур лавозимларга қўйилган одамлар ҳақида батафсилроқ ахборот беришимизни сўраб, қўнғироқ қилмоқдалар.

Президент Б. Клинтон янглишмаган эди. АҚШ ички ва ташқи сиёсати саҳнасидаги кўплаб арбоблар унинг номзодини ҳар томонлама маъқулладилар. Америкада чиқадиган йирик матбуот нашрлари ҳам президентнинг танловлари хусусида ижобий фикрлар билдирдилар. Сўнгги тўрт йил давомида АҚШнинг БМТдаги доимий вакили вазифасида ишлаб келаётган М. Олбрайт ким ўзи?

Мэдилин 1936 йилда Чехословакия дипломати Карл Корбел оиласида туғилди. Миллати чех. Унинг ёшлиги иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Болалиги Париж, Белград, Лондон, Денвер каби шаҳарларда ўтди. Уэллсли коллежида, Колумбия дорилфунунида таҳсил олди. Матбуот нашрларида, турли адлиявий идораларда ишлади. 1976 йилда докторлик диссертациясини ёқлади. Миллий хавфсизлик кенгаши, Оқ уйда, стратегик ва халқаро тадқиқотлар Маркази, Миллий сиёсат маркази, Жоржтаун дорилфунуни профессори сифатида ишлаган йилларида унинг фаолияти ўта сермазмун бўлди. Айниқса, у АҚШнинг БМТдаги доимий вакили бўлган сўнгги йилларда ўзининг ўткир сиёсатдон, узоқни кўра билувчи арбоб эканлигини намойиш этди.

Мэдилин хоним оилали. Эри Жозеф Олбрайт газета империяси ворисларидан бири. Уларнинг уч қизи бор. Инглиз, француз, чех, рус, поляк тилларини яхши билади.

СЕНАТОР Уилям Коэн АҚШ мудофаа вазири Уилям Перри ўрнига ўтиради. 1940 йилда Мэн штатининг Бангор шаҳрида таваллуд топган. Бостон дорилфунунининг адлия куллиётини битирган. АҚШ сенати ва конгресси аъзолари бўлган. Разведка ва ҳарбий маҳкамаларда хизмат қилган. Қатор сиёсий, бадиий, шеърий китобларнинг муаллифидир. Оилали. Икки ўғли бор.

МАРКАЗИЙ Разведка Бошқармаси директори Жон Дойч бошқа ишга ўтказилди. Энтони Лейк унинг вориси бўлди. Э. Лейк Гарвард дорилфунунини битирган. Фалсафа фанлари доктори. Олим, сиёсатчи, моҳир дипломат. Давлат департаментининг аъзоси бўлган. Қатор асарлар муаллифи.

Эндиликда АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси вазифасига Сэмуэл Бергер тайинланди. У Энтони Лейк ўрнига келди. Санъат бакалаври ва адлия фанлари доктори илмий унвонларининг соҳиби. Уйланган. Уч фарзанди бор.

ВОҚЕАЛАР ТЎЛҚИНИДА

● РОССИЯ Федерацияси президентининг матбуот котиби С. Ястржембский оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган мулоқотда президент Б. Ельциннинг шу ойнинг охирги ўн кунлигида ишга чиқажаклигини маълум қилди. Энди давлат бошлиғи бевосита ўзининг Кремлдаги ишхонасида фаолият кўрсатади. Борис Николаевич айни пайтда «Русь» қароргоҳида соғлиғини тикламоқда. Унинг сиҳат-саломатлиги тез яхшиланмоқда, деди матбуот котиби.

● ЧЕЧЕНИСТОН янаги йил 27 январда бўладиган президентлик ва парламент сайловларига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Марказий сайлов комиссияси раиси Мумади Сайдиев сайловларнинг юксак савияда ўтишига ишонч билдирди. Шу билан биргаликда у Чеченистон ҳудудида Россиянинг биронта аскари қолар экан, сайловлар ўтказилмаслиги ёхуд бошқа маҳалга кўчирилиши мумкин, деб огоҳлантирди.

● ШУ ҲАФТА бошида Афғонистоннинг шимолидаги Хоздех деган жойда Тожикистон президенти Имомали Раҳмонов билан Тожикистон мухолифати раҳбари Саид Абдулло Нурий ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Тожикистонда тинчлик ўрнатиш ва тотувликка эришиш масалалари хусусида гап борди.

● ЖАНУБИЙ Африка Республикасининг янги конституцияси қабул қилинди. Уни мамлакат конституцион суди маъқуллади.

● СИНГАПУРДА савдо бўйича умумжаҳон ташкилотининг навбатдаги конференцияси очилди. Унда иштирок этаётган 128 мамлакат вакиллари замонавий иқтисодий муаммоларни ҳамда савдо-сотиқ масалаларини муҳокама қилдилар.

ТУЯНИ ШАМОЛ УЧИРСА...

СЎНГГИ ойларда Россия ҳарбий бошлиқлари ўртасидаги жанжаллар одат тусига кириб қолмоқда, чоғи. РФ хавфсизлик кенгаши котиби А. Лебед билан РФ ички ишлар вазири А. Куликов ўртасидаги даҳанаки олишувлар ва дағдағалар хавфсизлик котибининг истеъфоси билан тугаган эди. Ўтган ҳафтада қўмондонлар ўртасидаги машмаша бевосита мудофаа вазирлигига кўчди.

Гап шундаки, мудофаа вазири Игорь Родионов қуруқликдаги қўшинлар бош қўмондони генерал-полковник Владимир Семеновни ўз ҳузурига чақириб, унинг ишдан бўшатилганлигини эълон қилди. Эртаси куни у ҳарбий хизматчи иззат-нафси ва шаънига тўғри келмайдиган ҳатти-ҳаракатлар қилишликда айбланди.

Томдан тараша тушгандай эшитилган ушбу совуқ хабардан ҳамма лол бўлиб қолди. Чунки, яқиндагина В. Семенов мудофаа вазири бўлади, деган шов-шувлар юрган эди. Лекин, унинг ўрнига И. Родионов тайинланган эди. Ҳаммаёқдан қўнғироқлар бошланди. Машҳур ҳарбий қўмондонлар, маршаллар — Язов, Куликов, генерал Бетехтин ва бошқалар ҳақиқатнинг тагига етишга уриндилар. Қаёқда дейсиз? Мудофаа вазири билан бош қўмондон ўртасидаги жанжал ҳамон давом этмоқда.

1940 йилда туғилган, миллати қорачай бўлган ҳарбий бошлиқ нима учун бошқаларга ёқмай қолди? Қолган саволлар ҳам муаллақ бўлиб турипти. Гарчанд мудофаа вазири рапортига президент Б. Ельцин «Розиман» деб ёзиб берган бўлса ҳам, аммо, ҳанузгача генерал В. Семеновни лавозимидан бўшатиш тўғрисида президент фармони чиққани йўқ.

Россия президенти ҳузуридаги Кадрлар кенгашининг олий ҳарбий ва махсус унвонлар комиссиясида бўлган мажлисда баъзилар мудофаа вазирининг томонини олдилар, баъзилар танқидий фикрлар билдирдилар. Бундай масъулиятли қарорлар қабул қилишда улар бошлиқларни ўта эҳтиёткорлик қилишга чақирдилар.

Шу орада яна бир ғалати вазият вужудга келди. 1 декабрда И. Родионов 60 ёшга тўлди. Қонунга биноан президент уни истеъфога жўнатиши лозим эди. Шундай қилинди. Чоршанба куни ҳарбий И. Родионов лавозимидан бўшатилди. Лекин, шу онда фуқаро И. Родионов ҳарбий вазир этиб тайинланди. Бу президент армияда ўтказмоқчи бўлган ислоҳотнинг дебочаси бўлди.

Россия оммавий ахборот воситалари олий ҳарбий бошлиқлар ва ҳарбий маҳкамалар ўртасидаги бундай номақбул вазиятларнинг келиб чиқишини қораламоқдалар. Бошлиқлар, қўмондонлар бир-бири билан олишиб турса, қуйи тизимдаги хизматчилар нима қилишлари керак?! Бундай машмашалар охир-оқибат ёмон натижаларга олиб келиши маълум. Шу боис Россия армияси ичида турли хил миш-мишлар изғиб юрибди.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

● ОЙГА қўниб тушган сайёраларaро «Клементина» зонди ахборотларини қайта ишлаётган Америка олимлари ҳайратга тушдилар. Ойнинг жанубий минтақасидаги бир ҳудудда сув заррачалари борлиги аниқланди. Олимлар ойда сув заррачалари борлигини тасдиқласалар, бу воқеа инсоният истиқболида жуда катта аҳамиятга эга бўлади.

● МЕКСИКАЛИК ўн етти яшар Хоакин Элиас Мартинес дафъатан қорнида қаттиқ оғриқ сезиб, ўзини йўқотди. Уни шифохонага олиб бордилар. Ёш йигитни текширган дўхтирлар унинг ўнг буйраги ёнида жарроҳлик қайчиси борлигини кўриб, ёқа ушладилар. Операция яхши ўтди. Лекин, маълум бўлишича, ҳозирги қайчи икки йил бурун қилинган операция пайтида унинг қорнида қолиб кетган экан. Бу иш юзасидан терговбошланди.

● ҒОРДА адашиб қолган Гуанси-Чжуан мухтор ҳудудининг деҳқони қайтиб чиқиш йўлларини тополмай хушидан кетди. Бир неча кундан сўнг ўзига келган деҳқон амаллаб ғордан чиқди. Уни текширган дўхтирлар бу одам сувсиз ва таомсиз ғорда ўн кеча-кундуз қолиб кетганлигини таъкидладилар.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 16

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика муносабати билан 16 декабрь куни ЎзТВ I кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.05 гача ЎзТВ III канали орқали намойиш этилади.

I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Дилнавоз садолар.
18.20 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Чорак финал.
01.35 Тунги тароналар.
01.45—01.55 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Палитра».
18.45 «Мультфейерверк».
19.05 «Услуб». Мода янгиликлари.
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон». Оҳанглар.
20.10 «Автосалон».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Камертон». Шеърият.
21.10 «Мак ва Матли».
21.40 «Курьер».
22.00 «Прайм-тайм».
22.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.45 «Спорт қитъаси».
23.20—00.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Эстрада тароналари.
9.00 Хива — 2500. «Ипак йўлидаги қадимий шаҳар».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аср муаммоси». Публицистик кўрсатув.
10.30 «Оҳанграбо». Самарқанд вилоят қўғирчоқ театри спектакли.
11.10 «Эзгуликка йўғрилган умр». Телеочерк.
11.30 «Темурнома».
11.50 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.25 «Фитна». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ғаройиб Гоша». Мультфильм.
18.05 «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм. 1-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси 19.10—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Араб Амирликлари — бугунги кунда». Ҳужжатли фильм.
22.50 «Спортнинг ажиб тури». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 23.00—23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35—23.40 Янгиликлар.

IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Кўрсатувлар анонси.
18.50 «Мультикарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Қадриятлар — ифтихоримиз».
19.40 «Спорт-тайм».
20.10 Кечки сеанс. «Аршин мол-олан». Бадиий фильм.
21.35 «Душанба». Публицистик кўрсатув.
21.45 «Шлягер».
22.00 «Авторейд».
22.10 «Кимга қанақа?».
22.40 Эълонлар.
22.45—22.55 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 17

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 1-қисм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 Биржа ва банк хабарлари.
10.25 Инглиз тили.
11.00 «Оналар мактаби».
11.30 «Темурнома».
11.50 Ўзбек куйларидан концерт.
12.30 ЎзТВ хазинасидан. Уйғун. «Зебуннисо». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби».
18.30 Дилнавоз садолар.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
19.15 «Замон».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Осиё кубоги-96» кундалиги.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Зарблар сеҳри». Ўзбекистон халқ артисти Қаҳрамон Дадаев.
21.40 «Альманах-ТВ».
22.20 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
23.05 «Мусиқий саёҳат».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.50 «Кинонигоҳ».
23.30—00.15 «Спорт қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Хоразм афсонаси». Бадиий фильм. 2-серия.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00 «Телетонг».
* * *
19.10—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Жонли сайёра».
*
Россия давлат телевидениеси 22.55—23.25
*
23.25 Эълонлар.
23.30—23.35 Янгиликлар.

IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот дам олиш дастури.
19.15 «Жонли тил».
20.15 Эълонлар.
20.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.10 «Солиқлар ҳақида сабоқлар».
21.25 Эълонлар.
21.30 «Озодлик номидан». Америка тарихи.
22.00 «ТВ IV да «Немис тўлқини».
22.30 «Истеъдодлар ва мухлислар».
23.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.30 «Жиллет-спорт».
24.00—00.10 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 18

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 2-қисм.
9.00 «Ўзбектелефильм» кўрсатади: «Най».
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тақдир». Публицистик кўрсатув.
10.30 Зоология.
11.00 «Саҳна ҳаёти».
11.30 «Темурнома».
11.50 «Декабрь». Мультфильм.
12.00 «Фермер». Тележурнал.
12.30 «Амир Темур ва маънавият».
13.10 «Гулғунчалар».
13.30 Чанг тароналари.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Олис Жанубда». Мультфильм.
18.20 «Орзуларим — наволарим».
18.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
19.10 «15 дақиқа спорт ҳақида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Адашлар».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.15 Футбол. Осиё кубоги-96. Ярим финал.
22.50 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Эълонлар.
23.40 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё кубоги-96. Ярим финал.
01.40 Тунги тароналар.
01.50—02.00 «Ватан тимсоллари».

II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...»
20.10 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 «Дойче Велле» намойиш этади...
21.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.40 «Спорт қитъаси».
23.25—00.15 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.45 Янгиликлар.
17.50 Эълонлар.
17.55 «Аренага йўл». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
* * *
19.10—21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Шоҳсупа сари».
*
Россия давлат телевидениеси 23.00—23.35
*
23.35 Эълонлар.
23.40—23.45 Янгиликлар.

IV
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Безнен мирас».
19.30 «Бу ажиб дунё».
19.50 «Кафолат».
20.20 «Азизим...»
20.50 «Мезон».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Тошкент оқшомида».
21.55 «Британия кундалиги».
22.25 «Тошкентнома».
22.55 «Уй остонадан бошланади».
23.25 «Гулдаста».
23.45 Эълонлар.
23.50—24.00 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 19

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 3-қисм.
9.10 Кинолавҳа.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
10.20 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида».
10.40 «Театр учрашувлари».
11.10 «Юрт таянчлари». Публицистик кўрсатув.
11.30 «Темурнома».
11.50 Мумтоз ашулалар.
12.30 «Анъана ва замон».
13.00 «Маърифат» видеоканали.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
18.30 «Катта танаффус».
18.45 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
19.15 Дилнавоз садолар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияси олдидан.
21.20 «Умримдан розиман». Рамз Бобожон.
21.45 «Шаҳар бедарвоза эмас...».
22.10 «Стадионда учрашамиз».
22.35 «Оқ бино оқшомлари». Қисқа метражли бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Мультфейерверк».
9.20 «Мак ва Матли».
9.50 «Курьер».
10.20 «Прайм-тайм».
10.30 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
10.50 «АРТ-журнал».
11.10 «Табиат дунёси».
12.00 «Компьютер-Осиё».
12.15 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
12.35—14.15 Видео — «О».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.25 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.15 «Сизнинг имконият».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадамбақадам».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Видеогид».
21.25 «Бизнес-уик».
21.45 «Дойче Велле» оҳанглари ва Эълонлар.
22.10 «Кинонигоҳ».
23.50—00.10 «Спорт қитъаси».

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Керакли одам». Бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
* * *
19.10 — 21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.35 «Мусиқа ҳамма учун».
*
Россия давлат телевидениеси 23.00 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 Дастурнинг очилиши.
18.50 «Мультикарусель».
19.05 «Она».
19.30 «Океандан океангача». USA-круиз.
20.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.50 «02» тўлқинида».
21.05 «Каталог».
21.20 Эълонлар.
21.25 «Шаҳрим-фахрим».
21.55 «Интерспорт».
22.05 «Эколот-коктейль».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
23.10 «Шамол қанотларида само сари интилувчи орзулар». Телефильм (Япония).
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 20

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 4-қисм.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қишлоқ ҳаёти». Публицистик кўрсатув.
Ўқув кўрсатувлари:
10.30 Физика.
11.00 Немис тили.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Соғлом авлод учун».
12.15 Дутор ва танбур тароналари.
12.45 «Олтин калитча». Бадиий фильм.
14.00—14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 Бизнес хафта якунлари.
18.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
19.20 «Тақдим».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ватанимни куйлайман». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Махмуджон Азимов.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 «Ривоят».
21.30 «Эртага — шанба».
21.50 «Мафтункор чеҳралар».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Хуш келибсиз!»
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10—00.20 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Мульти-пульти».
9.20 «Дилором наволар».
9.30 «Таманно».
9.40 «Табиат шифохонаси».
9.50 «Умрбоқий мерос».
10.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
10.30 Видео янгиликлари.
10.50 Видео — «О».
12.30—14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Бор эканда, йўқ экан...»
18.35 «Кинохроника».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.15 «Мусиқий йўлка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Сиздан ишорат».
21.40 «Ракурс».
22.00 «Спорт қитъаси».
22.30 Хит-парад ва Эълонлар.
23.10—24.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ғолиб». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
*
Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00 «Телетонг».
* * *
19.15 — 21.40
*
21.40 Эълонлар.
21.45 «Янги қурбон». Телесериал.
22.40 «Оқ йилқи». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси 22.55 — 23.30
*
23.30 Эълонлар.
23.35 — 23.40 Янгиликлар.

IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Умид чечаклари».
19.30 «Замин саховати».
20.00 «Ер сайёраси».
20.15 Фан ва технология. «Жиддий нарсалар ҳақида ҳазиллашиб».
20.45 Эълонлар.
20.50 Келинг, кулишайлик. «Уч тентак ҳангомаси». («Коламбия пикчерс», АҚШ). 3-серия.
21.05 «Коинот».
21.35 «Сакура шохчаси».
22.05 Эълонлар.
22.10 Араб эстрадаси.
22.35 «КВН-96».
24.00 Эълонлар.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 21

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». Алп Жамол. «Тойчоқ». Видеофильм. 5-қисм.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
10.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
11.05 «Йўллар ва ўйлар».
11.30 «Темурнома».
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
11.50 «Баҳс».
12.10 «Ватанпарвар».
12.40 «Кичкинтоймиз — гижинг тоймиз».
13.00 «Жону дилим санъат». Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали театрининг актёри Равшан Солиҳов.
14.00—14.30 «Ёшлар ижоди».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Мактуб».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Хайрат».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Дилнавоз садолар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари.
21.20 Футбол. Осиё кубоги-96. 3 — 4-ўринлар учун ўйин.
22.55 «Азиз сиймолар». Халқ артисти Шукур Бурхонов.
23.20 Футбол. Осиё кубоги-96. Финал.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
00.50 «Сўққабош эркак учун тузоқ». Бадиий фильм.

II
9.00 «Бор эканда, йўқ экан...»
9.20 «Кинохроника».
10.10 «Компьютер-Осиё».
10.30 «Мусиқий йўлка».
10.40 «Сиздан ишорат».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Кинонигоҳ».
13.20—14.20 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 «Бугуннинг боласи».
18.20 «Жозиба».
18.35 Эълонлар.
18.40 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
18.55 «Театр ҳақида ўйлар».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Кадр ортидан».
20.05 «Жозиба».
20.15 «Олтин кент».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
«Шанба оқшоми». Дам олиш дастури:
21.00 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
21.25 «Алмисоқдан қолган дўкон».
21.35 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.15 — 23.55 Видео — «О».

III
18.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.25 — 21.40
*
21.40 Бадиий фильм. 1-серия.
*
Россия давлат телевидениеси 23.05 — 23.35
*
23.35 Эълонлар.
23.40 — 23.55 «Болеро». Телефильм.

IV
9.00 «Аэробика».
9.20 «Шанба эртаги».
10.20 «Чинсэн».
10.50 «Клип-антракт».
10.55 «Комедиантлар».
11.15 «Клип-антракт».
11.20 «Спектаклдан сўнг».
11.45 — 12.45 Кинонинг олтин асри. Ален Делон «Зорро» фильмида. 2-серия.
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «Шанба оқшомида».
19.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Олам ва одам».
20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.35 «Беш дақиқа ўзинг учун».
20.40 Кинонинг олтин асри. «Зорронинг катта саргузаштлари». Бадиий фильм.
22.05 «Рақслар қанотида».
22.35 «Эсдалик учун дастхат».
23.05 «Ассалом, Франция!» дастурига илова. Бретань.
23.45 Эълонлар.
23.50 «Жиллет-спорт».
00.20 «Бу ажиб дунё».
00.40 «Комедиантлар».
01.00 — 01.10 «Хайрли тун!».


ЯКШАНБА, 22

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Морена Клара». Телесериал.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Ўзбекистон спорти». Тележурнал.
11.30 «Темурнома».
11.50 «Ташриф». Дам олиш дастури.
12.30 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 21-кўй.
13.10 «Цирк! Цирк! Цирк!»
13.40 «Нодир хазина».
14.10 — 14.50 Бастакор Султон Ҳайитбоев ижоди.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун концерт.
18.15 «Ўргимчак тўри». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Туҳфа».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Яқинлашаётган Америка».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари.
21.25 «Илҳом сатрлари».
21.30 «Бу мунис лаҳзалар».
21.50 «Шахс ва баҳс».
22.15 Диққат, премьера: М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 22-кўй.
22.55 «Футбол олами».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 «Келгуси ҳафтада».
00.10 Тунги тароналар.
00.20—00.30 «Ватан тимсоллари».

II
9.00 «Бугуннинг боласи».
9.20 «Жозиба».
9.35 «Жаноби Бинн ҳангомалари».
9.50 «Театр ҳақида ўйлар».
10.20 «Кадр ортидан».
10.30 «Жозиба».
10.40 «Олтин кент».
10.50 «Зиндаги ёхуд муҳаббат».
11.15 «Алмисоқдан қолган дўкон».
11.25 Видео — «О».
13.00—14.00 «Спорт қитъаси».
* * *
18.00 Бугун ТВ-2 дастурида.
18.05 Эълонлар.
18.10 «Даракчи».
18.20 «Мульти-пульти».
18.50 «Боланинг тили...»
19.00 «Дилором наволар».
19.10 «Умрбоқий мерос».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Мулоҳаза учун мавзу».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Дармон».
21.20 «Лаззат».
21.30 Видео янгиликлари.
21.50 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30 Видео — «О».
00.20 Дастур ниҳояси.

III
17.55 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси 18.00 — 20.50
*
20.50 Бадиий фильм. 2-серия.
22.15 Эълонлар.
22.20 — 22.45 «Панорама».

IV
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Эртакларнинг бу сеҳрли олами».
11.20 «Клип-антракт».
11.25 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
11.55 «Парле ву франсе?»
12.25 «Жонли сайёра».
12.45 «Афсона ва ҳақиқат». Ҳужжатли кино.
13.25 «Дарвоқе». Биз 3 ёшдамиз.
13.55 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
14.25 Киносалон. Френсис Коппола фильми. «Дракула».
16.35 Эълонлар.
16.40 «Сенинг вақтинг».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультикарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.30 «Телевидение — менинг ҳаётим». Галина Мельникова.
19.50 «ТВ IVда етти кун» (рус тилида).
20.05 Эълонлар.
20.10 «Биргаликда куйлайлик».
21.10 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари.
21.40 Киносалон. Акиро Курасава фильми. «Кугимуша». 1 ва 2-сериялар.
23.50 «Голливуд-рок».
00.10 — 00.20 «Хайрли тун!».



Митти ёқутчалар

Ҳасад — қалб оғуси. У далилсиз айблаб ҳукм чиқаради. Нуқсонларни кўпайтириб, қиттай хатони шов-шувга айлантиради. Унинг тили сафрога ўхшаб, муболаға ва ҳақсизликларга тўла бўлади!

ҲАСАД

БИР БАХИЛ ва ҳасадгўй киши тарки ватан қилиб, оворалик йўлини тутди. Саҳрога бош уриб, биёбон кезишга тушди. Тасодифан, йўлда икки кишига дуч келиб қолди. Бу икки киши ҳам бахил ва ҳасадгўй кимсалар тоифасидан эди. Улар бир-бирови билан танишгач, тезда тил топишиб кетишди. Улар очиқиб қолишса, белга тугилган нонларини олишар, бир-бировига тескари қараган ҳолда овқатланиб, яна йўлда давом этишар эди. Йўлда улардан бири қолганларига деди:

— Эй, ёронлар, сизлар нима учун тарки ватан қилиб, оворалик йўлини тутдингиз? Нима учун роҳатни мусофирлик заҳматига алмаштирдингиз?

Улардан бири шундай деди:

— Бизлар тарафда менга ёқмайдиган ишлар бўлиб туради. Уларни кўрсам рашким ва ҳасадим қўзғаб, доимо кўнглим эзилиб юради. Бир-бировига яхшилик қилишса ҳам кўролмайман. Ўзимга-ўзим дедим: «Кел, бир-икки кун тарки ватан қилай, уларни кўрмай турсам, эҳтимол кўнглим сал таскин топар!» Шундай қилиб, ватанни тарк этиб, овора бўлиб юрибман!

Иккинчиси сўз бошлаб деди:

— Ё тавба, мени ҳам қийнаган шу нарса! Бу туфайли мен ҳам ўз юртимни ташлаб чиқдим! Қаёққа боришимни ўзим ҳам билмайман!

Учинчиси:

— Ҳар икковингиз ҳам мен мубтало бўлган дардга учрабсиз! Мен ҳасад ўтига чидай олмай, ватанимни тарк этдим!

Ҳар уччови бир дардга мутбало эканликларини билишгач, яна йўлда давом этишибди...

ҲИКМАТ: Азоб чекишни истамасанг, ҳасадгўй бўлма!

БАЙТ: Кўзга оғриқ тургандай ақлда ҳам бор ҳасад,
Унутмангки, ҳасаддан идрок ҳам бўлур касод!

ҲАЙРАТ

...ШУНДАЙ ҚИЛИБ, учовлон бир ерга келишгач, йўлдан ҳамёнда олтин топиб олишибди. Узоқ ўтиришиб, олтинни ҳеч бўлишолмабди. Улар олтинни бутунлай ташлаб кетайлик дейишса, ташлаб кетишолмас, бўлиб олайлик дейишса, ҳасад туфайли бошқа шерикларининг олишини исташмас эди. Шу тарзда бир кеча-кундуз саҳрода «жанг» қилибдилар. Очлик ва ташналик уларни ҳолдан тойдирибди.

Иттифоқо, улардан нарироқда ўша юрт ҳокими ов қилиб юрган эди. Саҳро ўртасида уч кишининг ўтирганини кўриб, бир кишини юборди, уларнинг ким ва нима қилиб ўтирганини билиб келишни тайинлабди. Ҳоким юборган киши қайтиб келиб:

— Эй, ҳоким, улар уч ҳасадчи эканлар. Олтин тўла ҳамён топиб олишибди. Бир кеча-кундуздан бери ҳасад туфайли уни тақсим қилишолмай, «жанг» қилишаётган экан! — деб хабар берибди.

Ҳоким:

— Бундан ҳам яхшироқ ов бўлмайди! — деб, отдан тушди ва уларни чақиртириб келди. Сўнг уларга:

— Ҳар бирингиз ўз ҳасадингизни қай даражада эканини айтиб беринг. Шунга қараб олтинни тақсимлаймиз! — деди.

Биринчиси деди:

— Эй, ҳоким, менинг ҳасадим шу даражадаки, ҳеч қачон бировга яхшилик қилолмайман! Мабодо, яхшилик қилсам, у одам тинч ва осуда бўлса, мен ғамгин бўламан!

Иккинчиси биринчисига қараб:

— Сен бахиллик ва ҳасаддан бебаҳра экансан! Меники шу даражадаки, биров-бировга яхшилик қилса, ўз молидан бировга бериб, у одамни хотиржам қилса, мен ўзимни қаёққа уришни билмай қоламан! — деди.

Учинчиси:

— Ҳар икковингизда ҳам бахиллик ва ҳасаддан асар йўқ экан! Сизларнинг қилган даъвоингиз бир пул! Менинг бахиллик ва ҳасадим шу даражадаки, агар бирор киши менга яхшилик қилса, фойдали сўзларни айтса, ҳасаддан жигарим куйиб кетади! — деди.

Уларнинг гапини эшитган кишилар ёқаларини тутиб, ҳайратдан бармоқларини тишлаб қолдилар...

ҲИКМАТ: Ҳасад кишилар орасида жанжални бошлаб беради!

БАЙТ: Четлаб ўтгин ҳасадгўйни кўрсанг гар,
Найзасики, унинг бўлмас безаҳар!

СИТАМ

...ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ҳоким уларга:

— Ҳаёт сизлар учун ҳаромдир! Ҳар бирингизга лойиқ жазо бермоқ керак! Донолар: «Ситамкорга ситам қилмоқ адолатдир!» дейишган, — дедида, ҳеч кимга яхшилик қилишни хоҳламайдиган ҳасадчини ялангбош, ялангоёқ ҳеч бир овқатсиз, саҳронинг ичкарисига элтиб ташлашни буюрди! Бировнинг бировга яхшилик қилишини кўролмайдиган кишининг бошини танидан жудо қилиб, ҳасад ва бахиллик оламидан қутқаришни амр қилди! Учинчисини эса яланғоч қилиб, қўлини орқасига боғлаб, бўйнига тош осиб, дарёда чўктириб ўлдиришга фармон берди! Шу аснода уч ҳасадчи ўз феълининг қурбони бўлди.

ҲИКМАТ: Ҳасадгўйнинг хотираси-адоватларни илиб қўйиш учун тортилган узун дордан бўлак нарса эмас!

ДОНО СЎЗИ: Бахилнинг андоқки бугун топқани заҳира бўлғай, тонгла қабри ҳам бу кунги маоши уйидек тийра бўлғай!

САБОҚ: ЭЙ, ОҚИЛ! Очкўзлик ва бахилликни ўзингга шиор қилиб мол ҳамда пул топишнинг пайидан бўлма! Ҳасад ва бахиллик кўчасидан қоч! Ўзгаларга доимо мадад қўлини чўз! Ҳасад ва рашкдан ҳеч ким фойда кўрмаган! Аксинча, эл орасида хору залил бўлиб, эътибордан четда қолган.

МУРОД: ЭЙ, МУҲТАРАМ! Юқоридагиларни шунинг учун келтирдикки, одамлар ҳеч бир ранж, бало-ҳасад ҳамда бахилликдан кўра оғирроқ эмаслигини билсинлар! Ҳасадчи киши одамларнинг шод ва хушҳоллигидан доимо ғам чекади, алам тортади! Шундай экан, сен доимо бундай кишилардан узоқ юр, уларнинг суҳбатидан қоч!

АЛҚИССА: ОҚИЛ КИШИ дунёнинг ғам-аламидан, бор-йўғига қайғурмайди. Ортиқча мол топишга интилмайди. Мол ва пул учун фақат жоҳил кишиларгина интиладилар. Такаббурлик билан тумшуқларини кўтариб, иззат ва обрў топиш кетидан қувадилар. Сен эса оқиллар йўлидан бориб, ёқимли хислатлар эгаси бўл! Шунда комил инсон бўласан! Билгилки:

Дармон қабул қилмас иллат ҳасаддир,
Ҳасадчининг доим ғами беҳаддир!

БАҲОДИР ҲАБИБ ВАЛИ тайёрлаган.



Профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони Артур Григорян фахримиздир. Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти юртдошларимиздан катта бир гурухига Ватаннинг юксак мукофотларини топширди. Улар қаторида Артур Григорян «Меҳнат шухрати» орденини олиб, Президентимизга ғалаба келтирган чарм қўлқопни совға қилиб топширди. Ушбу мукофот сўнгра республика олимпия шон-шухрати музейига ҳадя этилди.

Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ходими Саиджон Валиев Германияга сафар қилиб боксчимизнинг Марти Якубовский билан бўлган сўнгги олишувини тўла тасвирга тушириб қайтди. Суратда: жаҳон чемпиони Артур Григорян (ўртада) ўнгда жияни Арам ва С. Валиев.

МУҲЛИСЛАР НИҲОЯТДА РАНЖИШДИ

ОЧИҒИНИ айтиш керак. Ўзбекистон терма жамоаси ўйинчилари қитъа Кубоги мусобақаларида бунчалик ёмон қатнашадилар, деб сира ўйламагандик. Афсус...

Сафар олдидан ҳар ким, хоҳ у мутахассис бўлсин ёхуд муҳлис бўлсин, футболчиларимизнинг имкониятларидан келиб чиқиб, ўзларича қайси ўринни эгаллашларини чамалашганди. Тошкент вилояти спорт мутасаддилари билан бўлган мулоқотда жамоамиз саралаш босқичидаёқ муваффақиятсизликка учрайди, деган фикрга қатъий қарши чиқиб, ҳеч бўлмаса, ярим финалга бора олишини исботлашга урингандим. Гарчанд, Хитой футболчилари билан бўлган ўйинда ватандошларимиз 2:0 ҳисобида ғалабага эришган бўлсалар-да, шахматчилар ибораси билан айтганда, «позицион устунлик» рақиблар томонида бўлди. Омад бизга кулиб боқди. Аммо, омад ҳадеб келавермаслигини биз муҳлислар яхши тушунардик. Япония жамоасига йирик 0:4 ҳисобида ютқазилгандан кейин, муҳлислар қаттиқ ранжиган бўлишларига қарамай, Сурия жамоаси билан бўладиган сўнгги учрашувни умид билан кутдик. Хитой футболчиларини 1:0 ҳисобида енган Япония терма жамоаси футболчиларимизнинг «ярим юки»ни кўтаришиб юборишди. Энди жамоамизни дуранг натижа ҳам қаноатлантирарди. Минг афсуслар бўлсинки, футболчиларимиз бу вазифанинг ҳам уддасидан чиқа олмадилар. Сергей Лебедев 11 метрлик жаримадан сўнг ҳисобни тенглаштиргандан кейин футболчиларимиз яна бамайлихотирлик кайфиятига берилдилар ва тезда бунинг учун жазоландилар. Сергей Лебедев интизомсизлиги учун майдондан чиқариб юборилганидан сўнг охирги умид учқунлари ҳам сўнди. Оддий ҳолатларда футболчиларимизнинг тўпни олдириб қўйишлари, ноаниқ узатишлари, жон куйдирмасликлари муҳлисларни ниҳоятда ранжитди. Умуман, ушбу ўйинда Ўзбекисттон футболчилари (Олег Шацкихнинг бир марта қулай имкониятдан фойдалана олмаганлигини ҳисобламаганда) бирорта ҳам эсда қоларли кескин вазият ярата олмадилар. Аксинча, Сурия футболчилари яна камида икки-учта тўп киритиш имконига эга бўлдилар.

Гуруҳлардаги саралаш ўйинлари тугади. «А» гуруҳида БАА футболчилари Индонезия терма командасини 2:0, Кувайт Корея футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлуб этишди. «В» гуруҳида Эрон футболчилари Саудия Арабистони жамоасини 3:0, Ироқ футболчилари эса Таиланд жамоасини 4:1 ҳисобида мағлуб этишди. «С» гуруҳидаги икки ўйин қуйидагича тугади: Япония — Хитой — 1:0, Ўзбекистон — Сурия—1:2.

Саралаш учрашувларидан сўнг гуруҳларда жамоалар қуйидагича жойлашдилар:

«А» ГУРУҲИ

Жаомалар	Ю.	Д.	М.	Т-Н.	О.
БАА	**2**	**1**	**0**	**6-3**	**7**
Қувайт	**1**	**1**	**1**	**6-5**	**4**
Корея	**1**	**1**	**1**	**5-5**	**4**
Индонезия	0	1	2	4-8	1

«В» ГУРУҲИ

Эрон	**2**	**0**	**1**	**7-3**	**6**
Саудия Арабистони	**2**	**0**	**1**	**7-3**	**6**
Ироқ	**2**	**0**	**1**	**6-3**	**6**
Таиланд	0	0	0	2-13	0

«С» ГУРУҲИ

Япония	**3**	**0**	**0**	**7-1**	**9**
Хитой	**1**	**0**	**2**	**3-3**	**3**
Сурия	1	0	2	3-6	3
Ўзбекистон	1	0	2	3-6	3

Шундай қилиб, Япония, БАА, Эрон, Саудия Арабистони, Ироқ, Қувайт, Корея ва Хитой терма жамоалари навбатдаги босқич — чорак финалга чиқишди. 15 ва 16 декабрь кунлари чорак финал ўйинлари бўлиб ўтади.

Шарофиддин УМУРЗОҚОВ.


ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

Аввало, бу машқларни нима учун эътиборингизга ҳавола этаётганимиз ҳақида икки оғиз сўз. Жой номлари, чиройли сўзлар, биз билмайдиган ҳайвонлар, ўсимликлар, жамики нарсаларни эслаб, хотирангизда тиклаш, ҳаёт ташвишларидан хориган асабларни дам олдириш учун ўйга солиш асосий мақсадимиздир. Ушбу бошқотирмадаги рақамли шаклдаги сўзларни (ёй бўйлаб марказ томонга ёзиш билан) топиб кўринг!

1. Кўтаринки ижодий ғайрат жўш урган ҳолат. 2. Ўзбек халқ достони. 3. Айлана нуқталарни туташтирувчи чизиқ. 4. Шоир Эркин Воҳидов ғазали билан айтиладиган қўшиқнинг номи. 5. Автомобиллар мусобақаси. 6. Сайроқи қушлардан бири. 7. Яратганнинг марҳаматига лойиқ иш, эзгулик. 8. Металларнинг аралашмаси, ўювчи кимёвий модда. 9. Республика Касаба уюшмалари рўзномаси. 10. Табиий ҳароратда суюқ тураверадиган кумуш ранг оғир металл. 11. Ватанимизнинг жанубидаги туманлардан бири. 12. Бурчга садоқатлилик учун бериладиган мукофот. 13. Дарёларни ҳосил қилувчи «йўл». 14. Шеърнинг сатри. 15. Хитойдаги тоғлик жой. 16. Ўзбек халқ мақомларидан бири. 17. Африкада тарқалган тарғил кўринишли отнинг зоти. 18. Таълим бериш услуби ўзгартирилган ўқув юртларининг ҳозирги номланиши. 19. Осиёдаги ҳам ҳудуди, ҳам аҳолиси жиҳатидан катта давлат. 20. Иорданиянинг пойтахти. 21. Электр кучининг ўлчов бирлиги. 22. Сувда сузувчи воситалардан бири.

Энди эса жавоб сўзларидаги биринчи ҳарфларни шакл атрофидаги рақамлар билан алмаштириб, топшириқни ҳал этсангиз, шарқона ҳикматлардан бирини билиб оласиз. Қаранг, дунё қанчалик гўзал, сизнинг ушбу машқни ҳал этганингиздан сўнгги кайфиятингиз ҳам шу гўзалликка киради. Омон бўлинг!

Фозилжон ОРИПОВ.



Ўқинг, бу қизиқ

ЧАПЛИННИНГ ДЎППИСИ ЗАНГОРИМИДИ?

Дунёда нималар бўлмайди, дейсиз. Яшашни истаган ҳар бир киши... яратиши керак. Лос-Анжелесдаги «Колор системс технолоджи» компанияси «Тернер бродкастинг системс» телеконцерни билан 18 миллион долларга шартнома тузди. Ўйчининг ўйи битгунча таваккалчининг иши битади, дейдилар. Дабдурустдан 18 миллион доллар... Савол туғилади, хўш, телеконцерн нега бутун бошли 18 миллиондан воз кечди экан? Ишбилармон ва тадбиркор бир тийинни ҳам беҳудага сочмайди. Коса тагида ним косача-ю, пиёла борга ўхшайди.

Жаҳон аҳли биладики, Чарли Чаплин, Жон Форд, Альферд Хичкок, Орсон Уэллс, Акиро Куросава сингари режиссёрлар яратган ва ўзлари иштирок этган оқ-қора тасвирдаги кинолар донғи чиқиб, ҳамманинг севимли кинораларига айланган. Ҳатто, ҳозир ҳам «Тарзан», «Жазда фақат қизлар» каби ўнлаб фильмларни тилга олишингиз билан баҳс-мунозара қизийди. Агар бундай фильмлар бирор жойда намойиш этилса, албатта, қайта-қайта кўришади.

Ҳайратланарлиси аслида «Ти-би-эс» ойнаижаҳон дастури орқали Фрэнк Капрнинг 1946 йилда суратга олинган «Бу ажойиб ҳаёт» ҳамда 1942 йилда ишланган «Янки Дудл Дэнди» мусиқавий фильмлари намойиш қилингандан сўнг бошланди. Ойнаижаҳоннинг хат қутисига минг-минглаб хатлар келаверди, қўнғироқлар тинмай жиринглайверди. Жуда катта шов-шув бўлди. Йўқ, урйиқит эмас, аксинча, ҳаммаси ўша фильмлар теварагида уйғонган ҳаяжон, миллионлаб мухлисларнинг диққат-эътиборига ҳавола этилган Америка мумтоз фильмлари томошасидан кейинги... ҳаяжон эди.

Бундан ҳам қизиғи, дўконлар пештахтасига 125 мингдан зиёд мумтоз фильмлар мухрланган видео тасмалар чиқарилди. Гап шундаки...

«Колор системс технолоджи» компанияси президенти Гольф Вайнгернинг айтишича Голливуд киноижодкорлари «қаламига мансуб» бу фильмлар анча «кексайганлигидан» муаллифлик ҳуқуқини йўқотибди. Шу туфайли энди, бу фильмлар «нусха» тамғаси остида мухрланиб маблағ янги муаллифга тўланади. Бу америкалик ишбилармонларнинг ҳисоб-китобига кўра 200 мумтоз, оқ-қора тасвирдаги фильмга 30 миллион доллар сарф-ҳаражат кетадию, аммо бу фильмлар 1 миллиард доллар соф фойда келтиради. Ҳа, ҳайрон бўлманг, биз энди «Колор системс технолоджи» компанияси нима учун 100 та мумтоз фильмга 18 миллион доллар сарфлаганлигини айтамиз.

Гап шундаки, оқ-қора тасвирдаги фильмлар ранглига айлантириб «Ти-би-эс» ойнаижаҳони дастурида намойиш қилинди.

Тарихий изланишлар, тарих қутиси (архив) хабарлари ва кекса киношунослар маслаҳатидан унумли фойдаланган «Колор системс технолоджи» компанияси аҳли ўша замонда Монронинг юзи, кўзи, кўйлаги ва ҳоказолар, ҳаттоки Чаплиннинг ҳассаси қандай рангда бўлганлигини текшириб, ундан кейин фильмга ранг берилди. Дарвоқе, Чаплин дўппи киймаган, бироқ техника шу тариқа ривож топаверса, ўзбек киношуносларидан ҳам чет эл фильмларига бироз миллий шакл беришни ўрганиб, Чаплинга дўппи кийдириб юборишлари ҳам мумкин. Аммо, сўз сўнггида фильмларга қандай ранг берилаётгани ҳақида икки оғиз... фильм видео тасмага кўчириб олинади ва компьютерга узатилади. Компьютер фильмдаги қўноқ (объект)ларни тасниф (классификация)лайди. Кейин рассомнинг буйруғига кўра, электрон импульс кўмагида тасмадаги тасвирларни бўяй бошлайди. Кейин эса... бир миллиард доллар соф фойда...

Матбуот хабарларига асосан
Тўлқин ЁРҚУЛОВ тайёрлади.

СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

Симоб. Лотинча номи «гидроргирум» — «кумушли сув» маъносини билдиради.

Олтингугурт. Санскритча «сира» (яъни, оч сариқ демак) сўзидан келиб чиққан бу ном рангни ифодалайди, элементнинг символи эса лотинча «сульфур» номидан.

Хлор. Грекча «хлорос», яъни яшна сўзидан олинган.

Хром. Ранг, бўёқ маъноларини англатувчи грекча «хрома» сўзидан. Бирикмаларининг ранглари хилма-хил бўлгани учун шундай ном олган.

Рух. Лотинча «цинк», яъни кўзга тушадиган оқ, оқ парда сўзидан. Бирикмалари ўзига хос оқ рангга эга бўлгани учун шундай аталган.

Кумуш. Элементнинг лотинча «аргентум» номи санскритча «арганта» сўзидан олинган бўлиб, бу сўз оч ранг, оқ деган маънони ифодалайди.

Йод. Грекча «йодес» — гунафша, гунафша ранг сўзидан.

Бром. Грекча «бромос» — бадбўй демак, элемент сассиқ хиди учун шундай аталган.

Водород. Элементнинг лотинча «гидрогениум» номи «гидро» — сув ва «гениум» ҳосил қилиш деган сўзлардан олиниб, «сув ҳосил қилувчи» деган маънони билдиради.

Азот. Грекча «а» — инкор этиш маъносидаги сўз билан «зоос» — ҳаёт деган сўзнинг бирга қўшилишидан келиб чиққан. «Азот» ҳаётни таъмирловчи маъносида.

Фтор. Грекча «фторос» — емирувчи сўзидан. Ҳаддан ташқари кимёвий фаоллиги учун шундай аталган.

БУ ТУРФА ОЛАМ

КИЧКИНА ДЕМАНГ БИЗНИ...

10 яшар Валтер Лопес Рейес гондураслик таниқли олимлар ва тиббиёт ходимларини боши берк кўчага киритиб қўйди. Маълум бўлишича, боланинг ҳозирги вазни бор йўғи 6 килограмм ва бўйи 43 сантиметр, яъни салкам икки қарич бўлиб, туғилган пайтда кафтга сиғарди. Олимлар «бармоқ»дай боланинг қандай қилиб дунёга келгани тўғрисида ҳануз бир фикрга келолмай гаранг.

Дарвоқе, Валтер ақлий жиҳатдан бутунлай соппа-соғ, тезроқ улғайиб машина сотиб олиш ва унда уйга «келин» олиб келишни орзу қилади. Энг катта нияти — келажакда албатта генерал бўлиш.

«Ўзбек давлат цирки»



Республика бирлашмаси
ТОШКЕНБОЙ ЭГАМБЕРДИЕВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА БОЛАЛАР СИЗЛАР УЧУН!
1996 ЙИЛ 21 ДЕКАБРЬ — 1997 ЙИЛ 12 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ
мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида

«ЦИРКДА АРҚА»

«ЭРТАКДА — ЭРТАК»

ТОМОШАЛАРИДА

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ва эртакларнинг қаҳрамонлари қатнашадилар. Дастурда цирк санъатининг барча жанрлари намойиш қилинади ва ўргатилган ҳайвонларнинг чиқишлари.

ТОМОШАЛАР:

21—27 декабрь кунлари соат 12.00, 14.00 да;
28, 29 декабрь кунлари соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да
31 декабрь соат 16.00 да;
1 январь соат 10.00 да;
9-12 январь кунлари соат 10.00, 12.00, 14.00, 16.00 да.
Олдиндан чипталар сотиш кассаси ишламоқда.
Чипталарни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан харид қилиш мумкин.
Касса соат 10.00 дан 18.00 гача ишлайди.
Маълумот учун телефонлар: 44-35-92, 44-29-04.



КЕЛГУСИ ҲАФТА ОБ-ҲАВОСИ

14 ДЕКАБРДАН 18 декабргача Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятида ёғингарчилик бўлмайди. Ҳаво ҳарорати кечаси —3+2, кундузи +8+13 даража атрофида бўлади. Сўнгра ҳарорат пасая бориб, кундузи +3+8 даража бўлади. 16 декабрда ёмғир ёғиши мумкин.

Тошкент вилояти «Тадбиркор банк» жамоаси банк ходими

Вохид Ганиевич УМАРОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48; Эълонлар: 33-99-15, 36-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0697. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Адади 8498 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6